

Бошлангич партия ташкилотларида

ТОПШИРҚ МАСЪУЛИЯТИ

Фабрика бошлангич партия ташкилотининг йиғилишига олдатилган барча коммунистлар тўлиқ бўлишган эди. Йиғилиш кун тартибда факат коммунистлар учунгина эмас, балки корхона аҳли учун ҳам аҳамиятли бўлган масала қўрилди. Яъни, Тошкент «Лоза» атир-уна ишлаб чиқариш фабрикасининг хўжалик ҳисобининг дастлабки босқичда эришган натижалари сарҳисоб этиларди. Тўғри, фабрика ишчилари ўзлари қўлга киритган натижадан хабардорлар, албатта. Аммо коммунистларнинг бу галги очiq партия йиғилишида бош директор З. К. Виноградова ҳисоботи тингланар экан, ишчиларнинг ўз раҳбарлари адресига билдирмоқчи бўлган мулоҳазалари ва саволлари йўқ эмасди. Жумладан, фабрика ошоналарида тайёрланаётган таомлар тури ва сифати қўпдан бўён ишчиларнинг эътирозига сабаб бўлиб келарди. Шу боисдан бош директорга асосан шу масала юзасидан саволлар берилди. Ишчиларнинг «Назонгача бемаза овқатларни истеъмол қилишимиз керак?» деган саволига З. Виноградова умумий овқатланиш ходимлари зиммасига бу вазифа жиддий қилиб юклатилди, дея ишончи жавоб қайтарди.

— Фабрикада цехларида реконструкция ишларининг жадал олиб борилаётганини ҳақида гапирдингиз. Бу қувончли ҳол, албатта. Лекин нима учун бизнинг цехимизда бу иш ҳали ҳануз амалга ошмапти?

Жонажон фабрикаси учун доимо шундай жон қуйдириб келаётган кекса ишчи, партия ветерани М. Юмакаевнинг бундай ҳақли саволига Зоя Кузьминична қуйидагича жавоб қилди:

— Эскириб қолган, ҳар томонлама ишдан чиқаётган ускуналарни алмаштирмасликка ҳеч қандай асос йўқ. Сизнинг масъулияти цехингизда ҳам бу нарса тез кунда амалга ошади ва тикиш машиналарининг анчисида иш бошлайсиз деб ишнотираман...

Йиғилиб қолган муаммолар, истаклар ва талаблар жуда кўп. Улар ҳусусида тортишув ва баҳсларга бой бўлган корхона партия йиғилиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш ниятимиз йўқ. Бироқ бу ташкилот фаолияти, коммунистлар кескин қилиб ўртага ташлаётган муаммолар ҳусусида гапирмаслик мумкин эмас.

— Йўқ, ҳозирда одамларимиз ошкораликка қанчалик тарафдор эканликларини, коммунистларимиз активлиги охири бораётганини оддий сўз билан ифодаб бериш қийин, — дейди фабрика бошлангич партия ташкилотининг секретари Х. М. Одилова. — Сўз билан эмас, иш билан, фақат иш билан жавоб беришимизни талаб қилишмоқда. Бу ҳам бўлса тушунимизга ёқимли шомол каби кириб келган ошкоралик ва демократия принципларининг биз учун нақадар зарур бўлганлигини далолат беради...

Ҳозирги кунга келиб фабрикада меҳнат қилаётган 900 ишчининг 95 нафари КПСС аъзоси. Уларнинг асосий қисмини эса маҳаллий хотин-қизлар ташкил қилади. Холмда Мугаловнинг таъкидлашича, сўнгги уч йил мобайнида фабрика партия ташкилотидидаги ўзгаришлар жуда сезиларли бўлган. Ҳусусан, партия сафига қабул, партия топшириқлари ҳақида коммунистлар ҳисоботлари илгартиргидека фақат ҳисобот учун эмас, балки борини борица аниқ кўрсатилиб ўтилмоқда.

Фабрикада КПСС сафига аъзо бўлиб киришни истаган ҳар бир ишчи бошлангич партия ташкилоти номига ариза беришга ҳақли. Бунга ҳеч ким инкор этмайди. Аммо партия аъзоси бўлиши мумкинми, бу номи олишга муносибми? Бунга энди цех коммунистлари ўзларининг очiq партия йиғилишида муҳомада қилдилар. Ҳақли деб топилганича икки йиллик синов муддати берилди. Резерв группаси учун берилган ана шу муҳлатда тасвир қўрсаган коммунист бу ишчини ўз назоратига олади ва ўша ишчи учун шахсан масъул ҳисобланади.

Бундай резервда бўлишни ихтиёр этган 5 нафар қиз андиликда ўзларининг ҳар томонлама фаолияти билан коллективда таълимди, йўмладан, ёш ишчи Мария Герасимовна фабрикада ҳам комсомол етакчиси, ҳам касабасоюз комитетининг расис Г. Пан Маридаги барча инсоний фазилатларини айтиш билан чекланмай, Швейцария ускуналари ўрнатилган масъулияти устакани муваффақиятли уйдлаб келаётганини алоҳида гапирди.

Одеколор қўйиш цехида илгор ишлаб чиқарувчи сифатида ном чиқарган Зайтуна Биссерова ҳам ҳозир резерв группасида. Комсомол-ёшлар коллективига етакчилиги қилиб келаётган Зайтуна цехнинг халқ назорат группаси аъзоси сифатида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, текамкорликка риоя қилиш ишларига эътиборни қаратиб келади. Зайниддин Собиров Зайтуна номзодини кўрсатиш чоғида ташаббускор ва меҳнатсевар қизнинг ана шу ҳислатларини инобатга олган бўлса аяб эмас.

Фабрикада мавжуд бешта бошлангич партия ташкилотларидан саралаб олинган барча ёш коммунистлар кандидатлик муҳлати давомидека бажариб келаётган ишлари ҳақида ҳисобот бериб турадилар.

— Холмда Мугаловна, фабрика коммунистларининг асосий қисмини аёллар ташкил қилар экан, уларга бериладиган партия топшириқлари ва уларнинг бажариб борилиши қандай назорат қилинади?

— Коллективимиз ўз вазифаларини уйдлабгина қолмай, партия топшириқларини бажаришда намуна бўлаётган коммунист хотин-қизларимиз ҳам талайгина. Ёш коммунистлар, Тошкент область партия комитетининг аъзоси Насиба Сардиева, шахар партия комитетининг аъзоси Феруза Толипова ва шахар комсомол комитетининг бюро аъзоси Дилором Эгамбердиевалар шулар жумласидандир. Аммо бундай топшириқларни тўлалигича адо этишда муаммолар ҳам бор. Ҳусусан, кўпгина коммунист-аёлларимиз партия топшириқларини бажариш учун вақт тополмайдилар. Натижада вазифа бажарилиб қолмай, Шароити кўра била туриб чора белгилаш эса яна тўғри келмайди. Бунинг бирдан-бир йўли ҳам оилада яхши шароитни вужудга келтириш. Унда албатта аёлларимиз оилаларидан кўнгли тўқ бўлиш билан бирга ҳар қандай топшириқни сўзсиз бажара берадилар. Шу мақсадда корхонамиз маъмурияти иш жойларини яхшилаш билан борабарига, қўндалик учун зарур бўлган сут маҳсулотларини, озиқ-овқат ҳамда сабзавот-меваларни қўлайтиришга ва имкони борица бу нарсаларини иш жойининг ўзидан тарқатишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳа, қаердаки инсон омилига етарлича эътибор берилган бўлса, ўша ерда ишнинг самарали ва сифатли бўлиши табиий. Атир-уначиларнинг маъзур коллективи эришиб келаётган барча соҳа бўйича ютуқларнинг замирида кишилар меҳнатига диққат-эътибор масаласи ётади. Бу айниқса коммунист-аёллар коллективи учун зарур ва шартдир. Унда аввало партия сафлари аёллар билан тўлибгина қолмай, уларнинг топшириқларини бажаришларида енгиллик яратилган бўлади.

Ф. ҲУСАНОВА.

И П Й И Г И Р У В Ч И Д И Л Б А Р Қ О С И М О В А



2. ШАХСИЙ НАМУНА. Арқоқ-йигирув цехидаги дастгоҳларнинг бетўхтов ишлаши ип йигирувчининг маҳоратига ва фидойилигига боғлиқ. Дилором ўтган ўн бир йил ичида шогирдликдан малакали ишчи даражасига кўтарилди. У халқимизни кийинтираётган туқувчилардан ип йигирувчининг СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганда меҳнатдаги шахсий намунаси, бунёдкорлик режаларини рўйбга чиқарган қўшаётган ҳиссаси катта аҳамиятга эга бўлди.

● Ҳанқасб дугоналар билан маслаҳатлашадиган гаилар кўп.

● Бутун эътибор — дастгоҳда.



Мезон-интизом

Корхонада хушхабар тарқалди: тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикаси коллективи ўтган йили ой планларини ошириб бажарибди.

Бунда, албатта, ижара пудрати асосида ишлаб, тайёр маҳсулот топшираётган газламага гул босиш цехининг Е. Трофимов бошлиқ бригадасининг муносиб ўлуши бор. Бригадада ишчи интизомига эътибор иш мезонини белгиларди. Шу тўғрйли улар ишда унумдорлик «ана мен» деб туради.

Бироқ фабриканинг бошқа цехларида меҳнат интизомини бузиш ҳоллари юз бермоқда. Биргина пардозлаш цехида ақвол анча мураккаб. Цехда ишлаётганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Ҳўш, уларнинг қилаётган меҳнати бугунги кунда коллективни қониқтирмайди.

Бу саволга жавоб излаб цех катта мастери Т. А. Шигаревга мурожаат қилдик.

— Цехимизнинг асосий қисмини ёш ишчилар ташкил этади. Улар орасида ўз ишига ўта масъулият билан ёндашадиган ҳам, жон қуйармайди, гавилари ҳам бор. Баъзида шундайлар ҳам учрайди, ўтган ва бугунги кунимизга бефарқ қарашади. Улар учун ишга келиш йўлига келиш билан борабар.

Бу ерда, албатта, бизнинг ҳам айбимиз бор. Чунки уларга етарлиқ шарт-шароит яратолмаيمиз. Ёшлар билан ишлаш группасини тузган эдик. Лекин у иш олиб бормапти. Группадан чинакам жон қуйдириш, етакчилиги қилиш қобилияти етишмапти. Ёш ишчиларни тақрибали илгорларга бирктиб қўйиш аялиб ахволда. Сабаби, бор-йўғи 5 та тақрибали ишчи бор. Улар барча ёшларга бирдек иш тақрибасини ўртоклаша олмайдилар. Цехин айланар эканмиз, пардозлаш агрегатлари пульталарини бошқараётган ёшларни учратдик. Л30—1 маркали агрегатда ишлаётган йигит ва қиз диққатимизни тортиди. Агрегатда чиқарилаётган газлама дам-даам узилиб икки ёшнинг у ёқдан бу ёққа югуришга мажбур қилмоқда.

— Жонга теғди. Ишдан кўра югуришимиз кўп, — дейди ёш ишчи Зухра Саппорова куйиниб. — Агрегати энди юргизган пайтнингда товар узилиб қолади. Бу бир эмас, беш-бармакча.

— Жонга теғди. Ишдан кўра югуришимиз кўп, — дейди ёш ишчи Зухра Саппорова куйиниб. — Агрегати энди юргизган пайтнингда товар узилиб қолади. Бу бир эмас, беш-бармакча.

— Жонга теғди. Ишдан кўра югуришимиз кўп, — дейди ёш ишчи Зухра Саппорова куйиниб. — Агрегати энди юргизган пайтнингда товар узилиб қолади. Бу бир эмас, беш-бармакча.

Б. ОРИПОВ.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

СССР билан ГФР ўртасида гуманитар масалаларда ҳамкорлик юзасидан 1988 йил январда тузилган ишчи группа 1989 йил 6—9 март кунлари Боннда ўзининг учинчи мажлисини ўтказди.

Ишонч ва дўстона руҳдаги музокаралар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар вакиллари Вена учрашувларини якуниловчи ҳужжати руҳида ўтказилди. Музокаралар М. С. Горбачевнинг ГФРга бўлажак визити чоғида ҳар иккала томон икки-бик натижаларга эришишга кўмаклашиш мўддаасида эканлигини ифодалади.

ЮСФР Президиуми бу йил мамлакатда ҳўжалик юритиш шарт-шароитларини тартибга солувчи бир қанча муваққат қонунларни маъқуллади. Мазкур қарор, деб таъкидланади ТАИНОГ агентлигининг бу ерда тарқатилган хабарига, ЮСФР скупшчинисидан республикалар ва ўлкалар вакиллари ўртасида иқтисодий турмуш соҳасидаги кўндал-кўп қонун лойиҳалари юзасидан ҳамжиҳатлиқ йўлини муносабати билан қабул қилинди. ЮСФР Президиумининг бўлиб ўтган мажлисида республикалар ва автоном ўлкалар ўртасида ҳўжалик сўбат масалалари юзасидан келишмовчиликлар биринчи марта шундай кичёқда намоён бўлганлиги таъкидланди. Бу ҳол Югославиянинг бутун иқтисодий турмушини мушқуллаштиради.

Қандаҳор вилоятининг Тор Қатал уездига ўтган кеча-кундузда Афғонистон Республикаси қуролли кучлари қисмларининг мурасис оппозиция бўлиналарига қарши жанглар давом этди. Бахтар агентлигининг хабар беришича, 27 нафар экстремист ер тиллаган, ўйлаб исёнчилар жараҳатланди. Бағлот вилоятида душманининг аскарларига сезиларли талафот етказилди.

Ҳарбий ҳаракатлар давом этаётганига қарамай, Қандаҳор вилоятига қочқоқларнинг қайтиб келиши давом этмоқда. Маҳаллий маъмурият ўз уйларида қайтиб келган кишиларга зарур моддий ёрдам қўрсатдилар, улар доимий яшайдиган жойларига етиб олишлари учун автотранспорт ажратдилар.

Улкан 13 қаватли янги Истамбул бозорининг майдонига тенг келадиган бозор дунёда бошқа йўқ. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Истамбул маъмуриятлари шунга айтишган. «Бу — битта бинога жойлашган дунёдаги энг катта бозордир, уни ўзимизнинг ишчиларимиз, архитекторларимиз, ўз технологиямиздан фойдаланиб бунёд этишдик», — деди янги бозорнинг очилиш маросимида Истамбул ҳокими Бедреттин Далаи.

Бетон ва ойнадан қўрилган бинонинг майдони—650.000 квадрат метрди. Рейтер агентлиги тақдослаш учун хабар қилди: Нидерландиядаги гуллар сотиладиган савдо биносининг майдони 368.77 квадрат метргина ҳолос. Бу бино рекордлар китобида киритилган.

Шу йил январь ойида Франция йўлларида 805 киши йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳалок бўлган, 18 мингдан ортиқ француз жиддий жараҳатланган. Сув йўллари ва автомобиль транспорт масалалари билан шуғулланувчи давлат секретариатининг Парижда эълон қилинган махсус баётида ана шу ҳақда хабар берилган. Ҳалмаси бўлиб 13486 авария рўйхати олинган. Бу кўрсаткичлар умуман ўтган йилнинг январь ойидаги нисбатан тахминан 5—7 процент яширар. Кейинги ойларида ҳукумат йўл ҳаракатини бузувчиларга нисбатан қўрган жиддий чоралар тўғрйли аварияларнинг каламийишга муваффақ бўлинган. Айни вақтда, деб таъкидлайди давлат секретариети, ҳаракат тезлиги кескин ошганлиги натижасида ҳар бир авария ҳавфи кўчарган.

Уругвай стадионлари ва бошқа спорт объектларида спортчи ва келасмандларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида қатъий чора-тадбирлар жорий этилди. Анча илгари қабул қилинган ва эндигона кўчга кирган бундай кескин қарорга кейинги вақтларда содир бўлган жиддий ўқнашувлар, стадионларда ўз берган безорилик хатти-ҳаракатлари, булар натижасида одамларнинг жараҳатланганликлари сабаб бўлган.

Монтевидео полиция бош бошқармас эълон қилганидек, бундан бўён илхосландирган стадионга жажжи радиопрёик-никлар, ёғоч-тахтал баёриқлар ҳамда тажовузкорлик ҳаракатлари қилишда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа ҳар қандай бўюмларини олиб келиш таъқиқланади. Уругвай пойтахтидаги спорт иншоотларида, энг аввало «Сентенарио» стадионида футбол мусобақаси вақтида полициянинг қучайтирилган нарядлари наватчилик қилади.

[ТАСС].

ЕР ЯССИМИ?

Сўнгги ўн йил мобайнида Америка Қўшма Штатларида ўтказилган савол-жавоб натижаларига қараганда, ўн ёшдаги болаларнинг тенг ярини, кейинги ойларида ҳукумат йўл ҳаракатини бузувчиларга нисбатан қўрган жиддий чоралар тўғрйли аварияларнинг каламийишга муваффақ бўлинган. Айни вақтда, деб таъкидлайди давлат секретариети, ҳаракат тезлиги кескин ошганлиги натижасида ҳар бир авария ҳавфи кўчарган.

СЕВГИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШ

Бўлмайдиган Канаданинг Саскачеван вилоятидаги сайёр китоб сотувчи Жак Корбелли тошларини реалзация қилишга ўз ҳамкасбларини хаминга орда қолдириб келарди. Унинг маошини қўлайтириб, лавозимини ҳам кўтардилар. Аммо кутубхонада тағанига даргазав бўлган ёш аёллардан Жак усти

дан шикоят қилиб хатлар кела бошлади. Маълум бўлишига қараганда, айёр коммерсант ёш мижозларига ҳар сафар китоб тавсия этишдан олдин уларга ўз севгисини низоҳ қилар экан. Аммо ҳалма нарсанинг ҳам низоҳаси бор, вақти келиб берилган ваъдалар учун ҳам жавоб бериш керак бўлади...

ТАОМНОМАДАГИ ЯНГИЛИК

Йонинининг Киото шаҳридаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фирма истеъмол қилса бўладиган хоткирликларнинг узулнинг тўқна сангистер, эни беш ярим сангистер ва қалинлиги бир ярим сангистер бўлган пластикаларини ишлаб чиқаришга

Турфа олам

киришди. Улар суви қочирилган ҳар хил маҳсулотлардан: олма, гўшт, лосось балнигидан тайёрланади. Емишли откриткаларни а альпинистлар, туристлар бажонидил ҳарид қилишмоқда.

БЎЯЛГАН ИТЛАР

Миланининг бадавлат кишилари ўртасида ўз итларини ҳар хил рангга бўяш мода бўлиб қолди. Олифталар тўрт оқли арзандаларнинг жуни ранги билан ўз либослари ва автомобильларнинг рангига мо келиши лозим, деб ҳисоблашмоқда. Аммо лайчалар ва бошқа итлар бундай косметик операцияга айтарлиқ рўйхуш бермайлтилар.

Республика

бўйлаб

Хушхабарлар

● НАМАНГАНДА 306 ўринга мўлжалланган «Орзу» туристик-меҳмонхона комплекси очилди. Қўлай ва шинам меҳмонхона совет меҳмонларининггина эмас, чет эллик меҳмонларни ҳам қабул қилишга тайёр. Облест саҳатлар ва экскурсиялар идораси маданий программа ҳам тайёрлади: қизқарли саҳатлар уюштириш, «Кўрсарой» ва «Ойдинқўл» турбазаларида дам олиш мўлжалланган.

● ТЕРМИЗ районининг маъмурий маркази Учқизил ва унинг атрофидаги қишлоқларини электр энергияси билан таъминлашни яхшилашда қишлоқ яқинида қўрилган кичик станция ёрдам беради. Янги қирилма бу ерда бунёд этилган телерадиотрансаторни ҳам энергия билан таъминлайди.

● ТОШКЕНТДАИ «Сред-азэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш биросхасида универсал ошона комбайни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У тегишли мослашган ёрдамда гўштин қийма қилиш, кофеин янчиб бериш, сабзавотларни тўғридан, шарбат тайёрлаш, хамир қоршиш мумкин. Бирлашми ишлаб чиқарётган бошқа олмавий эҳтиёж моллари ҳам истеъмолчиларнинг аҳли баҳосини олган: бог ҳовиллар теварегини айлантириб тўсиб олишда ишлатилдиган панжаралар, электромеханик йўнчиқлар шулар жумласидандир.

Яқин орада 18 та янгилик ишлаб чиқарилади.

● КОСОНСОЙДАГИ «Чорвадор» кооператив дастлабки имтиҳондан шараф билан ўтиб, фойда келтирувчи корхонага айланди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Кооператорларнинг «Косонсой» совхозигадо бошқа чорвадорларга нисбатан меҳнат унумдорлиги икки баравар юқоридир. Шу билан бирга уларнинг маҳсулот таннари бир ярим баравар паст. Чорвадорлар учдан бир ҳисса кам ем-хашак сарфлаб, бузоқларни бир кеча-кундузда бир килограммга семиртирмоқдалар.

Тўрт нафар ташаббускор ўз куч-гайрати билан ташландиқ бинони ремондди чиқариб, жиҳозладилар, қарз олиб, бузоқлар ва қўзичилар, ем-хашак сотиб олдиди.

Улар 40 та бузоқ ва 80 та қўзини боқимосларда, уларда парранда ҳам бор.

«Чорвадор» ўз дўконига аҳолига дастлабки беш тонна мол гўштини бозоридиган анча арзон нархда сотишди. Кооператорлар «Косонсой» ва «Кўкунда» совхозларига гўшт етиштиришда кўмаклашишга аҳд қилишди. Ҳўжаликлар уларга ўз «хашакларидан ажратдилар. Ташаббускорлар йил охиригача совхозларнинг давлат маҳсулот топшириш плани ҳисобидан тирни ваъда ўз тона гўшт етиштириб берадилар.

● СУРХОНДА'Е пиллакорлари бу йил сўйламда 25,5 минг қўти қўрт уруғи боқилиш мўлжаллашмоқда. Ҳозир хўжаликларда янги басмуга фаол тайёрблган бормоқда. Ўн мингдан ортиқ эвено тузилди — бу режалаштирилганининг қарийб ярлига тенг. Район бўлинмаларининг ходимлари ўқини талом қилдилар. Инкубаторийлар ва қўрт очилдиган жойлар тайёрланмоқда — бинолар, эналар ремонд қилиниб, дезинфекцияланмоқда, ускуналар ўрнатилмоқда, ёқилиб келтирилмоқда. Пиллакорлар тўт дарахларнинг парвариси қилиш билан банд. Тўп-роқда ўз вақтида ва сифатли ишлов бериш, ёғорши, минерал ўғитлар соғиш тўт баргидан яхши ҳосил олишни таъминлайди.

[ЎЗАТ муҳбирлари].



Нисон Хаймов Тошкент бош кийинки фабрикасининг тикувчи-тористларидан бири. Меҳнат ветерани корхонада кўп йиллардан бўён меҳнат қилиб, кўп-лаб ёшларга ўз касбиятини сирларини ўргатиб келипти. Шогирдлар эса мураббийларга тенглашиб, план топшириқларини ортиги билан адо этишгичи.

Устоз шогирдларини ҳар қадамда қўллаб-қувватлаб, улардан ўз кўмагини аямайди.

СУРАТДА: Н. Хаймов шогирди Мастура Ҳамидовага иш тажрибаларини ўргатаяпти.

Т. Каримов фотоси.

ЭРТА баҳор эди.
Болалар шундоқкина ариқ бўйида ўтиришарди. Уларнинг бири ўйчан, рангпар, иккинчисининг эса кўзи чакнаб турарди. Афтидан улар алланималар ҳақида торттишарди. Рангпар бола ҳадеб ўзиникини маъқуларди, шўхроғи эса эътироз билдирарди. Гоҳида жуа қизиб кетган баҳс тинар, иккаловчи жим бўлиб қолар, ялпизми, исмаиломчи териша шўнгиб кетишарди.

Осмондан турналари «куров-куров» лагани эшитилди. Иккала бола баравар кўкка қаради.
— Нима дегилдингиз? — деди шўхроғи.
— Салом дегилди, — жавоб берди рангпар.
— Худди биландек гапирсан-а!..
— Узоқ ўлкаларда юриб соғинганда. Шунга улар салом айтиб келишади.
— Одамларга ўхшашар экан-да! Одамлар ҳам бир ерга борса салом бериб қирадику, — биласанми, — рангпарга жон кирди, — буви айтадилар, одамзот ўлса, унинг руҳи болаликда ўзи севган жониворга айланаркан. Шунинг учун жониворларни ўлдириб бўлмас экан.

— Сенинг аканг каптарни яхши кўрадику. Рангпар маънос тортди.
— Ҳа, шунинг учун ҳам каптарларни яхши кўраман. Уйимиздагиларнинг ҳаммаси яхши кўради.

Осмонда турналар арғамчани пастлаб келарди. Улар чамаси ерга қўнишга чоғланарди. Шўх бола қўлини соябон қилиб қўшларга узоқ тикилди. Кейин шеригига қаради.

Барбир турналар нима дегилганини билгичи келпти.
— Юр, буимдан сўраймиз.
Болалар турналарга қарай-қарай йўлга тушибди. Уйга киришлари билан буви уларни койиб қарши олди.

— Қаёқларда юрсанлар-а! Қозим эрта баҳор пайти. Ут-бетта мўдара қўшларнинг. Майса-ўтлар уйғонапти, элитиди. Ҳа, болам, Расултойим, онанг яхши юрбидими? — буви шўх бола билан омонлашди.

— Раҳмат, — бурнини тортди бола.
— Буви, — деди рангпар, — одамлар ўлгандан кейин уларнинг руҳи ўзи яхши кўрган жониворга айланади десам Расул ишонмайпти.

— Нега ишонмайди, ишонди, — деди буви бамайхотир, — мана, сенинг каптарларинг. Опоғи доим дастурхонга қўйиб қўнади. Уй ичиде юради. Уша сенинг афғонда ҳалок бўлган аканг. Кўш бўлса шундай қилармиди. Парранда-дарранда — жамини жониворларга ўқ отиш гуноҳи азим. Ана шунақа.

Бувининг ҳасратдан ич-ичига чўкиб кетган кўзларига ёш қуола бошлади. Хотиралари жунбуга кела бошлади шекилли, чуқур ўх тортди.

— Ана шунақа, — деб қўйди ана шикаста овозда. Кейин оҳиста овозда хиргойи қила бошлади.

Кўш бўлдингми ё болам,
Тўш бўлдингми ё болам.
Майсаларнинг учига
Ниш бўлдингми ё болам!
Йўқотди, дилим вайрон,
Тополмай бошим хайрон.
Овоз бергин болам, хай,
Қилма мени саргардон.

Бувининг сиражин юзларига кўз ёшлар думалаб тушди. Рангпар шўхни туртди: юр, Иккловон ҳовлига чиқишганда шўх рангпарнинг елкасидан тўтди. Унинг гоятда ҳаяжонлангани шундоқкина кўриниб турарди.

— Энди каптарларингга тош отмайман, — деди у. Шу гапни кутиб тургандек дераза раҳига оппоқ чини каптар келиб қўнди.

— Келдингми, болам? — бувининг овози эшитилди, — шўхлигинг, болалигинг эсимга тушиб кетди. Озгина йўғлаб олдим.

Каптар «ғу-ғу» деб қўйди.
— Йўғлама дегансанми? Қандоқ қилай, ичим дарада тўлиб кетса. Ҳалиям, онанг, укаларинг билмайди. Қўриб кетса роса уришадди мени. Юрагим ёмонмиш. Ҳай, болама, қайси онанинг юраги яхши? Қайси онанда бутун юрак бор?

Буви чўнтагини кавлаб беш-олтита ушоқ олди. Кафтига солиб, каптарни чорлади:
— Кел, келалоқ. Каптар «парр» этиб паст-

га тушди. Бувининг қўлидаги нон ушоқларини чўкиб бошлади. Ора-сира у мунчоқдек қўшлар билан кампирга тикилиб-тикилиб қўярди.
— Ойтош холанг борку, ўғилдан қоракхат келган. Ушанинг уйи устидан турналар айланиб учибди. Уғлим келди деб, уларнинг орқасидан то тўқайгача борибди. Боласиям, нақ оламжаҳон бола эди-я. Вой, турна деса жонини берарди. Нукул мингта турна асаб японларга юбораман дерди.

Каптар бувиға яна тикилди. Бу сафар анча тикилди.
— Кўзларинг мунчоғ-а, мунчоқ! — буви яна алламаҳалгача жавради.

Болалар бир-бирига маънодор тикилишиб, кўчага чиқибди.
— Ойтош хола, ростдан ҳам шунақа қилганими? — сўради Расул рангпардан.

**АРМОН
ҚУШЛАРИ**
(Эссе)

— Ҳа, одамлар, сал-сал ақлдан озган дейишади. Нукул қўшларга қараб ашула айтармиш. Узи кўплар ўлди-а!..
Болалар тошга ўтириб санаб кетишди.

— Бақийининг акеси, Ҳуснининг акеси, Саврининг акеси..
Болалар жим қолдишди.

— Турсун хола нима деб ашула айтармиш. — Нукул қўшларни кўрса «Боламга ўхшайди овозинг сани» дермиш.

— Бечора..
Болаларнинг сўзи вужудни беҳтиёр сескантириб юборарди.

Ким бечора! Авжи қирчиллама ашида ҳазон бўлган минг-минглаб йигитларми! Ниҳолни воёга етказиб, мевасини кўрмай қолган, ўғлимнинг руҳи қўшларга айланди деб ўзини овулган оналарми? Ҳали қайдоқ бўсаларнинг таъминин обдон қонмаган бодом қовоқ келин-чакларми! Ёки бир-икки ашида сәғир қолган, умр бўйи отасини таъсавур қилолмай яшайдиган гўдакларми? Ёки олис ўлкалардан худди шахидлар руҳи бўлиб Ўзбекистонга қайтадиган қўшларми?

Менимча урушдан бошқа қиларга иш тополмаган ҳаммамиз бечорамиз!
Ўзбекларда яхши бир одат бор: ичиб турган пивасидаги чой тўкилса ҳам, зағча сарас ҳам, йўл пашша айланса ҳам дарҳол уйни тартибга келтирибди, хонтахтага янги дастурхон ёзади, икки кўзи эшикка бўлади: меҳмон кутади. Туш кўрса тушини ҳам яхшиликка йўяди: бироз келади.

Ойтош хола (асли оти Тошой, раҳматлик эри эркалаб Ойтош дегани учун шунақа бўлиб кетган) эрталаб дили равшан тортиб, зори-дан турди. Қалбада бир сўз айланарди: болам.

Тушида шахид ўғли Миртурди уни эркалаб: «Ойжон, ҳовлимиздаги гилосга бир қўш келиб сайраб қолса билгинки, у менинг элчим. Орқасидан ўзим кириб бораман», — деганмиш.

Ох, онанинг қалби, оташин қалби! Ахир

бунча питирлайсан, умидга эрк берасан. Ахир Миртурдидан қора хат келганини ўз кўзи билан ўқиган эдик! Яна нима умид қиласан?!
Туш пайти Ойтош хола ўзи билан ўзи андармон бўлиб ўтирганида ҳовлидаги энди-гина ниш уратган гилосга оқ тўш зағча келиб қўнди. У ёқ-бу ёққа назар солди. Кейин, излаган жойини топади, ҳайтовур чунонам сайраб бердики.. Ойтош хола азбаройи юраги ўйнаб кетганидан ўтирган жойидан туролмай қолди: зора, тушим ўнгидан келса, Ойтош холанинг туши юз фоз ўнгидан келишига имони комил эди. Мана эшикдан почтачи ҳам кўринди. Хола энди тамом ўзидан кетди.

— Янги хабар борми? — энтикди у.
Почтачи кўзларини чах-чахлаб сайраётган зағчага тикиди. Негадир «Ҳа, жонивор-а» деб қўйди. Қўлидаги пенсия пули солинган конверти оstonага ташлаб, ортига кескин бурилди..

Ойтош хола шундан бери ўзича ҳасратли қирот қилади. Эшитган қари ҳам, ёш ҳам йиллайди.

Уймадан бус-бутун кетувдинг чиқиб.
Қайтадиган қирмон тоғларини йиқиб,
Қўшларга роз айтиш одатим менинг:
Боламга ўхшайди овозинг сенинг.

Армоним ичиде лахта қон бўлди.
Сабри тош мисоли намоён бўлди.
Булбўлдек ноламга ким чиқар менинг:
Боламга ўхшайди овозинг сенинг..

Ҳар баҳор ер юзи лолақизғалдоқларга тўлади. Балки афғон тупроғи ҳам анвойи гулларга тўлиб-тошар. Уша чечаклар ўзбекистонлик интернационалчи-жангчилар қабри узра ҳам ял-ял ёнар.. Лекин ўғлонларнинг соғиниб ўтига бардош беролмай қовжираб, тўкилиб тушиши аниқ! Ахир соғинч ўтига ким бардош беради? Қайси мавжудот тоқат қилади?

Афғонистондан минглаб қўшлар қайтди. Ҳайратон кўнригидан қўшларда ёш билан ўтган солдатларни иссиқ қучоқлар қарши олди.

Лекин юзлаб мардлар қайтмади! Юзлаб қучоқлар очилгичча қолиб кетди. Юзлаб оналарнинг соғлари оқарди. Юзлаб ногиронларнинг юзи бевақт заъфарон тортди.

То ҳануз ўғлининг ҳасратидан тор чекаётган оназорини кўрганимда унга таскин бермоқ мақсадида:
— Оти ўғлингиз борку ахир! Шўкур қилинг, — дегандим. Она чуқур сўлиш олди.

— Тўғри бор. Лекин буниси жуذا бошқача эди.
«Эй, ажал, — дедим шунда, — аёл бўлсанг қанчалар маккорсан, эркак бўлсанг қанчалар номардсан. Сен ҳам танлаб оналар назаридеги «бошқача»ларни олиб кетасанми?»

Назаримда, ажал қулгандек бўлади: бош-қачалар ахир ўзини ўйламайди. Утга ҳам, сувга ҳам отилади. Кўрагини бало-қазога қал-қон қилади.

Афғонистондан минглаб солдатлар қайтди. Лекин юзлаб ўғлонлар қайтмади.

Сен ким эдинг ўзи, марду майдонми? Кўзинг қорамиди ёки қўқимтир? Яғиндор эдингми ёки чайир?

Улардан садо келади: юрагимиз бир эди бизнинг!..
Ҳадемай Наврўз келади. Қўнлар исиб, уйлар бўғотида майсалар бўй тортади. Қизғалдоқлар қирмизи бўлади. Осмонларни тўлдириб, қарх уриб турфа қўшлар қайтади. Лекин шахидлар қайтмайди.

Одамлар, пешвоз чиқинг, уларнинг қўшиғига қўлоқ тутинг. Улар шахид ўғлонларимиз руҳи! Уларнинг умри баҳор эди. Юртимизга баҳор билан қайтди. Улар юртин сўнги бор кўролмай қолган ўғлонларимизнинг қўшга айланган армонлари.

Оналар, оёққа турун! Яхшилик деб, яхши кўнларни кўрсин деб тўққан фарзандларингиз руҳи энди қўшга айланмасин!..
Ариқ лабларидеги ялпиз излаётган болаларнинг рангпарлига қўш кўз тикиди.

— Расул, қара, турналар қайтишпти..
— Қайси бири Ойтош холанинг ўғли экан?..
— Қайси бири пастлаб ўчса..
Ҳамма турналар пастлаб ўчди..

Темур УБАЙДУЛЛО.

Ип йигирувчи Дилбар Қосимова

3. МЕХНАТКАШ АЕЛ

ТАШВИШИДА. Ишчи хо-

тин-қизлар меҳнат ва турмуш

шароитларини, оналик ва бо-

лалиқни муҳофаза қилишни

тубдан яхшилаш депутат-

ликка номзод программаси-

нинг негизини ташкил қила-

ди. Чунки у уларнинг кун-

далиқ ташвиш ва муаммолар-

идан тўлиқ хабардор. Дил-

бар Қосимова ҳозир меҳнат

коллективлари, турар жой-

ларда сайловчилар билан

учрашуларда янги-янги на-

казлар оляпти.

● Хиёбонаро, йўллар оғу-

шида..

● 15-ётоқхона қизлари

даврасида.

Р. Шарипов фотоочерни.



Темур УБАЙДУЛЛО.

Чангда-баҳор оҳанглари

Чанг — ўзбек халқ чолғу асбоблари орасида энг кўп торли соз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу чолғу асбоби жуذا мураккаб, чалишда техник қийинчиликлари кўп учрайди. Шунга қарамай, сўнгги йилларда чанг чалишга қизиқиш тобора қўшқиб бормоқда. Бугунги кунда кўплаб хотин-қизлар ҳам чанг чалиш сирларини муваффақият билан ўрганмоқдалар. Йилдан-йилга уларнинг сафи ўсиб борапти. М. Ашрафий номидagi Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу-асбоблари факультети қошидаги чангчилар ансамблининг яримдан кўпчили қизлар ташкил этади. Бу коллективга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одиллов раҳбарлик қилмоқда. Еш чангчилар консерваториянинг 50 йиллик юбилейига атаб катта концерт программаси тайёрлашди. Улар айни кунларда ҳам ўз янги программаларини музика шинавандалари ҳузурида намойиш қилишмоқда.

Яқин кунларда республикада кенг нишонланадиган Наврўз халқ байрамига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Унда Ватан, севги, баҳор, меҳнат, ёшлик ва шодлиқни қўйловчи музика асарлари бор. Шунингдек, ўзбек совет композиторларидан С. Бобоёв, Х. Раҳимов, С. Жалил, М. Бафоев ва бошқаларнинг асарлари ҳам чангчилар программасидан кенг ўрин олган.

Рустам ХУЖАЕВ,
доцент.

СУРАТДА: чангчилар ансамбли.

К. Ромеев фотоси.



Қаршилик газетхонлар ҳузурида

Бугунги кунда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг органи бўлиши «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини республикамизнинг барча меҳнаткашлари ҳам ўқимокдалар. «Оқшом» газеталари республикамиз бўйлаб тарқалмоқда. Унинг мухлислари соин тобора ошиб бормоқда. Редакция ходимлари эса республикамизнинг областларида тез-тез бўлишиб, оқшомхон-мухлислар билан учрашулар ўтказмоқдалар. Бундай учрашулар фойдали бўлиши. Газетхонларнинг истак ва тақлифлари, қимматли фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, янги-янги рубрикалар очилмоқда, ранг-баранг туркум материаллар, саҳифалар тайёрланмоқда. Қўш кеча «Тошкент оқшоми» газетасининг ходимлари Қашқадарь областининг Қарши шаҳар давлат педагогика институт студентлари ва ўқитувчилари билан учрашди. «Тошкент оқшоми» газета редакцияси партия турмуши ва совет қурилиши бўлими мудир, СССР Журналистлар союзи аъзоси Ўхтамурод Тошбаева билан «Тошкент оқшоми» газетаси тўғрисида, унинг олдиде турган муаммолар, ижодий коллективларнинг режалари ҳусусида сўзлаб берди.

Сўзга чиққан қаршиликлар газета тобора жоизбали ва ўқилиши бўлиб бораётганини таъкидлаш билан бирга, ҳали кўп масалаларни ёритиш зарурлигини таъкидлашди, бу эзу ишда «Оқшом» газеталари ижодий коллективга муваффақиятлар тилашди.

Учрашув сўнггида қизқарли савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди.

Эгизаклар, эгизаклар...

● Ҳозирча дунё бўйича энг серпушт она 1925 йилда туғилган қизилик (Эспинаса), Леонтина Альбина ҳисобланади. У 1981 йилда ўзининг эллик бешинчи, яъни энг сўнгги фарзандини дунёга келтирди. Умр йўлдоши Херардо Секунда Альбинанинг айтишича, улар 1943 йилда турмуш қуришган бўлиб, Чилига Аргентинадан кўчиб ўтганларига қадар 5 маротаба утадан (барчаси ўғил бола) кўрганлар. Фарзандларидан 40 таси (24 ўғил, 16 қиз) ҳаёт қолган. Тўрттаси вафот этиб, 11 нафари элзизла оқибатида ҳалок бўлган.

● Ҳаёт кечира олган энг енгил эгизакларнинг умумий оғирлиги 992 граммни ташкил этади. (Марри — 453 грамм, Маргарет — 539 грамм). Ола-сингиллар 1931 йил 16 августда дунёга келишган бўлиб, оналари инглиз Флоренс Стиксон.

● Энг оғир эгизак-

нинг умумий вазни 12,59 килограмм бўлиб, улар 1924 йил 20 февралда Арканзас штатида (АҚШ) Ж. П. Хаскин оиласида дунёга келишган.

● Тасдиқланмаган матъулотларга кўра, дунёда энг оғир «човлон» (умумий оғирлиги 11,96 килограмм, 2 ўғил ва бир қиз) 1968 йил 18 мартда Эронда туғилган.

● Дунёда энг оғир «тўрттовлон» (4 қиз, умумий вазни 10,35 килограмм) Япониянинг Хунашима шаҳри турмушонасида 1978 йил 4 октябрда қайд этилган.

● Энг оғир «бешовлон» 1953 йил 7 июнда Хитойда ва 1956 йил 30 декабрда Хиндистонда туғилган. Ҳар икки ҳолатда ҳам чаналоқларнинг умумий вазни 11,35 килограммни ташкил этган.

● Ҳаёт кечира олган энг кўп эгизаклар 6 тавдан 6 та (3 ўғил ва 3 қиз) ҳисобланади. Уларнинг онаси коло-

болик (Шри-Ланка) 27 ёшли Сюзанна Жейн Розенкович. Бу гаройиб туғилиш 1974 йил 1 январда Кейптауннинг (ЖАР) Моубрэй госпиталида содир бўлди. Чақалоқларнинг умумий вазни 10,915 килограммни ташкил этган. Шу сингари ҳолат 1980 йил 11 январда тақдорланган — италия Розанна Жинанини 4 ўғил ва 2 қизини дунёга келтирган.

● Энг кўп марта утадан туғилиш италия Мадалена Гранатага (1839—1886) мансуб. У 15 бор утадан эгизак фарзанд кўрган.

● Ҳаёт кечира олган энг тез туғилиш бор-йўғи 2 минутни ташкил этади. Бу 1977 йил 21 мартда Мемфисда (АҚШ) Теннисе шифо) содир бўлган. Ўғлонларга — Бредли, Кристофер ва Кармон деб исм қўйганлар. Оналари — Жеймс С. Дак.

● Фозилжав ОРИПОВ тайёрлаган.

Интернационалчи-жангчиларимиз

Тоғдаги олишув

Абдуғани тоза ҳаво олиш илминини де-разо томонга интилган эди бели зирқираб, кўз олди қоронғулашди. Шу пайт палата эшигини очилиб, ёғсағадан врач кўринди.

— Сенса қимирлаш мумкин эмас, — деди у ҳол-аҳвол сўраб экан, — бироз куч йиғининг керак. Мана бунинг операция пайтида баданнингдан олди.

— Осколками? — Абдуғани врачнинг қўлидаги данадек келадиган темир парчасига ҳайратланиб қаради.

Доктор чиқиб кетгач, у осколкани кафтига олиб, айлантириб кўрди. Унинг кўз олдида охириги жанг пайти гавдалана бошлагани..

Ушанда кеч бўлиб қолганди. Бўлима командир, лейтенант Довгулия ўн етти кишидан иборат группани кўздан кечиргач, деди:

— Ўртоқ жангчилар! Ҳозиргина олиган маълумотга кўра, қурол-аслаҳа ортган қаровон ва тўла-тўқис қуролланган босмачилар тўдаси Нангархор томон йўлга чиққан. Биз қандай бўлмасин уларни қуршовга олишимиз керак.

Тошпириқни бажарамиз!.. — Сафда турган солдатларнинг баралла хитоби янгради.

«Вертушка»да боргунча командир группани маълумотга кўра, қурол-аслаҳа ортган қаровон ва тўла-тўқис қуролланган босмачилар тўдаси Нангархор томон йўлга чиққан. Биз қандай бўлмасин уларни қуршовга олишимиз керак.

Тошпириқни бажарамиз!.. — Сафда турган солдатларнинг баралла хитоби янгради.

«Вертушка»да боргунча командир группани маълумотга кўра, қурол-аслаҳа ортган қаровон ва тўла-тўқис қуролланган босмачилар тўдаси Нангархор томон йўлга чиққан. Биз қандай бўлмасин уларни қуршовга олишимиз керак.

Тошпириқни бажарамиз!.. — Сафда турган солдатларнинг баралла хитоби янгради.

«Вертушка»да боргунча командир группани маълумотга кўра, қурол-аслаҳа ортган қаровон ва тўла-тўқис қуролланган босмачилар тўдаси Нангархор томон йўлга чиққан. Биз қандай бўлмасин уларни қуршовга олишимиз керак.

Тошпириқни бажарамиз!.. — Сафда турган солдатларнинг баралла хитоби янгради.

«Вертушка»да боргунча командир группани маълумотга кўра, қурол-аслаҳа ортган қаровон ва тўла-тўқис қуролланган босмачилар тўдаси Нангархор томон йўлга чиққан. Биз қандай бўлмасин уларни қуршовга олишимиз керак.

Тошпириқни бажарамиз!.. — Сафда турган солдатларнинг баралла хитоби янгради.

бошлади. Бўлима жуذا катта тўсиққа дуч келганди.

— Шу орада украинлик дўстим оғир яраланди, — деди Абдуғани хотирларини эслаб экан. — Рация орқали вазиятни билдирган заҳотини фельдшер Геннадий билан грузин Мавлод эмаклаб етиб келишди. Унинг ярасини боғлаб, оҳиста судраб олиб кетдилар. Шу пайт командир юқорига кетма-кет қизил, кўк оғоҳлантувчи ракета-лар отди. Биринчи бўлимининг қутилмаган ҳужумидан душманлар саросимага тушиб қолди. Мен қўлимдаги граната мет билан душманининг энг қучли ўқ отиш нуқтасини яқсон қилиб, тошпириқни бажардим. Тўлеметларнинг оловли тили энди мен томон қаратилган эди. Ўзининг ҳандаққа отиди. Шу дамда ёнимда граната портлади. Белмига ўқ тегиб чуқурга қўладим. Қўзимни оҳсам биринчи бўлима лейтенанти билан чисталик Артур эҳтиётлаб олиб кетишмапти.

Яна отишма бошланди. Биринчи бўлиб аjoyиб командир лейтенант Довгулия, кейин ярадор бўлишга қарамай, бўлимининг бошқариб турган хоразмлик Рўзимат Отажонов ҳахромларча ҳалок бўлишди. Бундан ташқари жангда саккиз киши оғир ярадорланган эди.

Кечаси бошланган қўл ҳатти ҳам тинмаган, совуқ суяк-суякдан ўлиб ботарди. Орадан бир ярим кун ўтгач бизникилар вертолётларда ёрдамга етиб келиб, қуршовдан ҳалос эттишди. Операция давомиди душманларнинг катта тўдаси яқсон қилинди, кўп миқдордаги қурол-яроғлар, наркотик моддалар ўлка олди..

Абдуғани жуذا камгап, вазмин

Реклама ва эълонлар

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмас базасидаги

8-УРТА ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқувчилар қабул қилади

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ИЙГУВЧИ СЛЕСАРИ, МЕХАНИКА ИЙГУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, САНОАТ АСОВОВ УСҚУНАЛАРИ РЕМОТИ СЛЕСАРИ, СОҒЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ СТАНОКЧИ.

Ўқишга 8-10 синф маълумотиغا эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф маълумотига эга бўлганлар учун ўқиш муддати — 1 — 2 — 3 йил.

1—2 йиллик таълим группаларига қабул қилинган ўқувчиларга диплом ва касб ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ўқиш иллий тилда олиб бориладиган группалар ҳам мавжуд.

2-3 йиллик таълим группаларига қабул қилинган ўқувчилар озиқ-овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни ТАМОМЛАГАЧ УЛАРГА ТУГАЛЛАНГАН 8-УРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ ДИПЛОМ ВА КАСБ ЭҒАЛЛАГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ҲУҶЖАТ ТОПШИРИЛАДИ.

Бир йиллик таълим группаларига кирган ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма группаларнинг ўқувчиларига стипендия сақланган ҳолда иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Ўқиш ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида спорт секциялари, бадий ҳаваскорлик, авиамодельчилик, радио ва фото тўғараклар ишлаб турибди.

Билим юртини «яхши» ва «аъло» баҳоларга тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртиларини кечки ва кундузги бўлимларига ўқишга киришлари учун йўланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: маълумот ҳақидаги ҳужжат, турилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт), яшаш жойидан справка, ота-онасининг ишхонасидан справка, медицина справкиси, мактабдан характеристика, 6 донa фотосурат (3х4, 4х5 см).

Билим юрти адреси: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь району, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация провози, 10-уй (6, 10, 23-трамвайлар; 1, 4, 10, 14, 21-троллейбуслар; 17, 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати). Телефон: 41-75-54.

26-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

10-синфини тамомлаган ёшларни ҳамда Совет Армияси сафларидан запасга бўшатиладиган йигитларни

ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИДА ИШЛАШ УЧУН

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚИСКАРТИРИЛГАН ГРУППАЛАРГА

Ўқишга қабул қилади

Чинни пиширувчилар, чинни шаклини тайёрловчилар, электромонтерлар, вентиляция усқуналари бўйича слесарлар, сановат машиналарини ремонт қиладиган слесарлар, аэрограф усулида безовчилар.

Билим юртига 10-синфини битирган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати ҳамма мутахассисликлар учун 6 ой. Ўқишга қабул қилинганларга 70-80 сўм миндорида стипендия берилади.

Билим юртини тамомлаганларга эгаллаган мутахассисликни ҳақида диплом берилади. Шунингдек, аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати узлуksиз меҳнат стажига киради. Билим юрти битирувчилари Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, паспорт (кўрсатилган), турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкиси (0 86/У форма), 3х4 см. катталикдаги 6 донa фотосурат, меҳнат дафтари, таржима ҳоли, ҳарбий билет ёки гувоҳнома (йигитлар учун).

Ўқиш группалар йиғилиши билан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов району, Сағбон кўчаси, 17-туш (100, 59, 76, 168-автобусларнинг «Қўштут» бекати). Телефонлар: 44-30-07, 44-15-86.

49-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йилига

Ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли ёшларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича тайёрлайди: карамелчи-конфетчилар, қандолатчи, химик-лаборант, сотувчи, ошпаз, холодильник асбоб-усқуналарини ремонт қилиш бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати 8 синф маълумотидаги йигит-қизлар учун 3 йил. Улар ўқиш даврида тулиksиз давлат таъминотида бўлади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил. Уларга ҳар ойда 30 сўм стипендия тўланади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида ва Тошкент облаcтининг Калинин ва Тошкент районларида пропискада бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади. Маҳсулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ўқишни битирувчилар БКК, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «Тошпино» ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Ташплодоовошторг» ихтиёрига ишга жойланади.

Барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти ҳажмида ҳақ тўланади.

Билим юртида спорт секцияси, ВИА тўғариги ишлайди. Билим юртини муваффақиятли битирганларга олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда кириш учун йўланмалар берилади.

Билим юртининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, турилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумотли ҳақидаги ҳужжат (асли), турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, таржима ҳоли, 286 формадаги медицина справкиси, 3х4 см. катталикдаги 8 донa фотосурат.

Адрес: 700080, Тошкент шаҳри, Ленин району, Истикбол кўчаси, 3-уй (15, 23, 45, 68, 171, 183-автобусларнинг «Қўйлиқ» бозори» бекати). Телефон: 90-36-69.

Қулайликлар яратувчи холодильник

«Юрюзань—7» холодильникни худди шундай деб аташ мумкин. Энг аввало холодильникнинг икки камерали эканлигини айтиб ўтиш керак. Ҳажми 220 куб сантиметрга тенг биринчи камера маҳсулотларни қисқа муддат сақлаш учун мўлжалланган, иккинчисининг ҳажми 40 куб сантиметр бўлиб у маҳсулотларни паст ҳароратда узоқ муддат сақлаш учун мўлжалланган.

«ЮРЮЗАНЬ—7» холодильникнинг сотиб олсангиз уни ўрнатиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди: осма эшигини хоҳласангиз чап томонга, хоҳласангиз ўнг томонга очиладиган қилиб илич мумкин. Эшикнинг очилиш бурчаги истагингизга кўра 90 ёки 120 градусни ташкил этиши мумкин. Холодильникнинг музхонасини тозаламоқчи бўлсангиз соатлаб музнинг эришини кутишга

ҳожат йўқ. «Юрюзань»да совутиш камерасидаги музнинг автомат равишда эритилиши, эриган сувнинг махсус ерга йиғилиши кўзда тутилган. Сиз совутиш камерасидаги жавонларни ва эшик панелларини ўз хоҳишингизга кўра қайта ўрнатиш мумкин. Бу холодильник сизимидан рационал фойдаланиш имконини беради. «Юрюзань» электр энергияни ҳам кам сарфлайди.

Холодильник яна бир жузъий қулайликка эга: уй тозалаганда уни жойидан силжитиш жуда осон, сабаби унинг роликли филдирраги бор.

Нархи — 385 сўм. Кафолатли хизмат муддати сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил.

«Снежинка»нинг ранги қандай?

Албатта сиз ранги оқ, дейсиз. Шундай десангиз

адашасиз. «Снежинка-3М» холодильникнинг ранги қизил, зангори, сариқ ҳам бўлиши мумкин. Бу сизнинг истагингизга бориқ. Фақат бунинг бир шарт бор: «Снежинка-3М» холодильникнинг сиз «ЗЕНИТ» техника-савдо марказидан харид қилишингиз лозим. Айнан шу ерда хариддорларнинг олдиндан берган буюртмасига кўра уларни ишлаб чиқарувчи завод (Самарқанддаги «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси) «СНЕЖИНКА»ни истаган рангингизга бўяб беради.

Энди бир-икки оғиз сўз «СНЕЖИНКА-3М» холодильникнинг ўзи ҳақида. У «СНЕЖИНКА»ларнинг янги авлодига мансуб, бир қатор қулайликларга эга, ўз аждоқларидан янада пухталлиги ва кўркамлиги билан фарқ қилади.

Эшигини «ЮРЮЗАНЬ»ники каби чап томонга, ҳам ўнг томонга, 90 градусдан 120 градусгача бурчак ҳосил қилиб очиладиган ҳолда илтиш мумкин. Эшигининг ички панелларида жойлаштирилган тушиқ-жавонларни ва идишларни осонгина олиш ва истаган баландлигингизда ўрнатса бўлади. Холодильникни жилдириш осон, унинг орқа оёқлари айланади.

Нархи — 310 сўм. Кафолатли хизмат муддати сотиб олинган кундан бошлаб — 3 йил.

«Зенит» техник-савдо марказида харид қилинган холодильниклар уйга элтиб берилади (прейскурант бўйича ҳақ тўланади), кафолат даврида ва кафолат муддати туғанидан кейин ҳам техник хизмат кўрсатилади. «ЗЕНИТ» техника-савдо марказининг адреси: Тошкент, Ленин району. Чехов кўчаси, 10.

«ЗЕНИТ» ТЕХНИКА-САВДО МАРКАЗИ.



Баҳор ва ёзга хонатласдан либос тикамиз!

Баҳор мавсумига — модали костюм ёки шимли ансамбль, ёз мавсумига кўркам кўйлак, «енгил» сарафан тикса бўлади.

Хонатлас бир қатор афзалликларга эга: у енгил ва майин, ёрқин бўёқлари жилваланиб туради. Ҳавони яхши ўтказгани учун ёзда исб кетмайсиз.

Газламаннинг ўзига хос гули эса хаёлга эрк бериб, ҳар хил либосларни тикиш имконини беради.

Турфа гулли хонатласларни «Таштекстильшвейторг» магазинлари



дан харид қилсангиз бўлади.

«Таштекстильшвейторг» (телефон 45-37-24).

Ҳозиргина тандирдан узилган мазали, қизариб пишган оби-нонлар



Эндиликда ана шундай оби-нонларни Акмал Икромов району аҳолиси ҳар кунини сотиб олиши

мумкин. 6-комсомол ёшлар магазини қошида (Фарҳод кўчаси, Фарҳод бозорининг қаршисида)

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг

Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

ТУРИСТ

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ

ҚИЗИҚАРЛИ МАРШРУТЛАР БЎИЛАВ

саёҳатга таклиф қилади

ЛЕНИНГРАД (7 кун) — ТОЛМАЧЕВО (7 кун), меҳмонхонада яшаб турилади, 7 апрелдан. Баҳоси — 133 сўм.

ЛЕНИНГРАД (7 кун) — НАЗИМОВСКАЯ (7 кун), 11 апрелдан (Ленинград шаҳридаги марказий меҳмонхоналардан бирида яшаб турилади; Нахимовскаяда туристлар Ленинград яқинидаги «Нахимовская» меҳмонхонасида яшашиди). Баҳоси — 122 сўм.

ЛЕНИНГРАД — «ПОДДУБЬЕ» (7 кун), 5 апрелдан (Ленинград шаҳрида шаҳар марказидаги меҳмонхоналарнинг бирида яшаб турилади; Поддубьеда туристлар Ленинград яқинидаги «Поддубье» меҳмонхонасида яшашиди). Баҳоси — 137 сўм.

ЛЕНИНГРАД (7 кун), шаҳар марказидаги «Гавань» меҳмонхонасида яшаб турилади) — ЛОСЕВО (7 кун), Карель бўйидаги Ленинград яқинида жойлашган «Лосево» туристлар меҳмонхонасида яшаб турилади, 18 апрелдан. Баҳоси — 152 сўм.

Овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматида киради, самолётда бориш ва қайтиш чимклари путёвка қийматида кирмайди.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент-11, Навоий кўчаси, 69 «А» уй. (Метростанция «Пахтакор» станцияси). Телефон: 44-12-92.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24—31 март ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида

Ҳайвонлар цирки

ТОМОШАЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

Томошаларда: ИТЛАР, ЭЧКИЛАР, АЙИҚ БОЛАЛАРИ, ОТЛАР, ТЮЛЕНЛАР ва бошқа ҳайвонлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР: соат 11, 14, 17.00 да бошланади. Олдиндан билет сотиш кассаси очил.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари бажарилади.

КАССА СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

(422-аудиторияда)

29 МАРТ СОАТ 17.00 ДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАКТАБЛАРИНИНГ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФИЗИКАДАН ОЛИМПИАДА

ЎТКАЗАДИ

Олимпиада қатнашчиларига кириш имтиҳонлари даражасидаги нисоллар ва саволлар ҳавола этилади.

Институт тайёрладиган мутахассисликлар бўйича суҳбатлар ўтказилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар; 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти институти» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ониларни Россия Федерацияси совхозлари ва колхозларига



ташкилий
равишда

ишга юборади

ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИГА — 22 мартда;
ЧИТА ОБЛАСТИГА — 5 апрелда;
ПСКОВ ОБЛАСТИГА — 25 апрелда;
КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 19 майда;
ЯРОСЛАВЛЬ ОБЛАСТИГА — 25 майда;
РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 29 майда.

Ҳужжатларни расмийлаштириш жўнашдан 10 кун олдин тўхтатилади.

Ўз қарамогида меҳнатга яроқли камида 2 аъзоси бўлган: эркаклар — 16 ёшдан 55 ёшгача, аёллар 16 ёшдан 50 ёшгача ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат қилишга саломатлиги тўғри келадиган онилар кўчиб бориш учун расмийлаштирилади.

Ташкилий равишда кўчиб бораётганларга ёрдам пулининг биринчи ярми, йўл харажатлари ва юкларни ташиб бориш қиймати тўланади.

Белгиланган манзилга етиб келинган заҳоти кўчиб борувчилар турар жой майдони, ҳовли қурилишлари бўлган томорқа участкаси билан таъминланадилар, уларга уй ҳайвонлари сотиб олиш учун ссуда берилади. Кўчиб борган онилар икки йил мобайнида квартира ҳақи ва саккиз йил мобайнида қишлоқ хўжалиги солиқларини тўлашдан озод этилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин району бўлими, — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй ва шаҳардаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш бўлимларига учрашилсин.



НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/III да Кармен, 15/III да Икки дил достони, 16/III да Князь Игорь.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да Кув, 15/III да Қорюлан, 16/III да Юлдазли туллар.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/III да Ташболта ошма, 16/III да Хотинимнинг эри.



14 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санаёт саройи — «ТАНИШИШ» (18.30, 20.45, катта зал); «КИЧИК ВЕРА» (17, 19.30, кичик зал).

Чайна — «ҚОЧОҚЛАР» (18.30, 20.45).

Ватан — «ГАНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (18, 21.00).

Тошкент Советининг 56 йиллиги — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 21.00).

Нукус — «БҲРИ УЯСИ» (18.30, 20.45 ўзбек тилида).

Восток — «ИГНА» (18.30, 20.45).

Қозғоғистон — «ҚОЧОҚЛАР» (халқ соатда).

Москва — «ҚОЧОҚЛАР» (17, 20, 19.00); «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИГНА» (жуфт соатларда).

15 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санаёт саройи — «ТАНИШИШ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, катта зал); «УНТА НЕГР БОЛАСИ» (12, 14.30, 17, 19.30, кичик зал).

Чайка — «ДИСКЖОКЕЙ» (11, 14.30); «ҚОЧОҚЛАР» (12.45, 16.15, 18.30, 20.45).

Ватан — «ГАНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (12, 15, 18, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

С. Раҳимов номли — «СЕВГИ АФСОНАСИ» (11, 14, 17, 20.00, ўзбек тилида).

Восток — «ИГНА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «ИҚРОР БУЛИШ» (11, 13.30 16.00).

Москва — «ҚОЧОҚЛАР» (13.20, 17.20, 19.00); «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (11, 15, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИГНА» (жуфт соатларда).

Автомат-жазоб бериши